

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг  
2020 йил “22” июлдаги  
126 - сон бўйруғига  
ИЛОВА

## Тошкент давлат юридик университетининг УСТАВИ

### I. Умумий қоидалар

1. Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – Университет) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ-1990-сон “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Университет “юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим ва илмий-методик муассасаси ҳисобланади.

3. Университет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ҳайъат қарорлари ва бўйруқлари, шунингдек, мазкур Уставга амал қиласади.

4. Университет ўз мақомига қўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда, қонун хужжатларида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, Университетнинг ўқув-тарбия жараёнига ташкилий ва методик раҳбарликни амалга оширади.

5. Университетнинг таркибий бўлинмаларига факультетлар, кафедралар, бошқармалар, марказлар, бўлимлар, юридик клиника, типография ва бошқа бўлинмалар киради.

Университет ҳузурида юридик шахс ҳисобланган академик лицей, Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази ва Ихтисослаштирилган филиал фаолият юритади.

6. Университет ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, хорижий ҳамкор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

7. Университет юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида шахсий ҳисоб рақамларига, миллий ва хорижий валюталардаги банк ҳисоб рақамларига, ўз номи давлат тилида кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳрга, тегишли муҳр, штамп ва ўз фаолияти учун зарур бўлган рамзларга ҳамда реквизитларга эгадир.

Университетнинг расмий номи:

давлат тилида: “**Toshkent davlat yuridik universiteti**” (Тошкент давлат юридик университети), қисқартирилган номи – “**TDYU**” (ТДЮУ);

рус тилида: “**Ташкентский государственный юридический университет**”, қисқартирилган номи – “**ТГЮУ**”;

инглиз тилида: “**Tashkent State University of Law**”, қисқартирилган номи – “**TSUL**”.

Университетнинг жойлашган ери (почта манзили): 100047, Тошкент шаҳри Сайилгоҳ кўчаси 35-үй.

## **II. Университетнинг мақсади, вазифалари ва функциялари**

8. Ҳар томонлама ривожланган, ўз Ватани фидойиси, давлат ва жамият олдиғаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, ҳуқуқий қадриятларни чуқур англовчи, мамлакат келажаги учун вижданан ва ҳалол меҳнат қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, фуқаролик жамиятини шакиллантиришда ҳуқуқ устуворлигини тарғиб қилувчи ҳамда халқаро таълим майдонида рақобатбардош, юқори малакали замонавий юридик қадрларни тайёрлаш Университетнинг асосий мақсади ҳисобланади.

9. Кўйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

замонавий талаблар, илфор ҳалқаро тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

юридик таълимнинг устувор йўналишлари бўйича талабаларнинг фундаментал базавий, шунингдек, амалий касбий тайёргарлигини таъминлайдиган ўқув режа ва дастурлар асосида бакалаврлар, магистрлар тайёрлаш;

иш берувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, талабаларда таҳлилий фикрлаш ва касбий кўнилмаларни ривожлантириш, янги билимларни мустақил равишда эгаллаш ва улардан фойдаланиш кўнилмасини шакиллантиришни таъминлайдиган ўқитишининг замонавий шакл ва методлари, педагогик, инновацион, ахборот-коммуникация технологияларни кенг қўллаш;

фанларни танлаш имкониятини таъминлаган ҳолда Европа кредит тизими (European Credit Transfer and Accumulation System) жорий этиш, шу жумладан талабалар ўқув юклamasи ҳажмини аниқлашнинг халқаро шартли бирликларини (кредитлар) ўтказиш ва жамлаш тизимини қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш;

Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркибини юқори даражада касбий педагогик маҳоратга, хуқуқий ва сиёсий маданиятга эга мутахассислар билан мустаҳкамлаш;

ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни, қўшма хуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини фаоллаштириш;

клиник юридик таълимни ривожлантириш йўли билан ўқув жараёни ва хуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқани таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, суд ва хуқуқни муҳофаза қиливчи органлар, адвокатура ҳамда бошқа ташкилотларда амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб этиш, уларнинг малакасини оширишда самарали тизимни яратиш, хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим, тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини ўқув, илмий-методик ишларни ташкил этиш ва ўтказиш учун жалб этиш;

давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-хуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг хуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш хуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этишни таъминлаш;

ахборот ҳуқуқий технологиялар ва тизимларни (Legal Tech) ишлаб чиқсан ҳолда давлат ва хуқуқ соҳасида илмий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш;

хорижий ҳамкорлар билан биргалиқда юридик кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурларини (double degree) амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;

мамлакатдаги ўрта маҳсус, профессионал, шунингдек, олий таълим муассасаларида хуқуқий фанлар бўйича дарс бераётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар учун замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлар, ўқув-методик материаллар яратиш;

“Электрон университет” (E-University) тизимини жорий этган ҳолда очик, шаффоф, субъективлик ва суиистеъмолчиликлардан холи бўлган таълим мухитини яратиш;

Университетни халқаро тан олинган таълим муассасалари рейтингига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали миллий юридик таълим рақобатбардошлигини ошириш;

талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, хуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни, коррупцияга муросасизлик туйғусини шакллантириш ҳамда ривожлантириш.

10. Университет ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида қўйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат таълим стандартлари асосида мамлакатда ўтказилаётган демократик ва хуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва замонавий халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашни ташкил этади;

амалий иш тажрибаси, хуқуқий ва сиёсий маданияти, касбий ва педагогик маҳоратига эга юқори малакали кадрларни таълим жараёнига кенг жалб этиш бўйича чораларни қўради, шунингдек, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

ўқув жараёнини таълим беришнинг кредит-модуль тизими ва инновацион ўқитиши усулларини қўллаган ҳолда умумэътироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда талабаларда юридик фаолиятнинг тегишли соҳалари бўйича тизимли таҳлил қилиш қобилияти ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган таълим дастурлари ҳамда клиник таълим асосида олиб боради;

талабаларнинг мустақил тайёргарлигини чуқурлаштиришни ҳисобга олган ҳолда иш берувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, таҳлилий фикрлаш ва касбий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган, ўқув режа ва дастурлар ҳамда ўқув-методик материалларни ўқув жараёнида қўллайди;

Оммавий хуқуқ, Жиноий одил судлов, Хусусий хуқуқ, Халқаро хуқуқ ва қиёсий хукуқшунослик факультетлари, магистратура бўлими доирасидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ҳамда бошқа юридик фаолият соҳаларида назарий билим ва амалий кўникмаларни чуқурроқ эгаллаш заруратини эътиборга олиб ўқитишининг замонавий шаклларини жорий этган ҳолда амалий машғулотларни (“кейс-стади”, хуқуқий хulosалар ва таҳлилий маълумотларни тайёрлаш, хуқуқий аудитлар ўтказиш, жамоада ишлаш ва бошқ.) ташкил этади;

ўқув жараёнини хуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлашни инобатга олган ҳолда битирувчиларга нисбатан малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлади;

назарий билимларни қонунчилик фаолияти ва хуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, хорижий ҳамкор ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик орқали таъминлайди;

юридик фанларнинг замонавий ютуқларини, давлат-хуқуқий, суд, хуқуқни муҳофаза қилиш, хуқуқни қўллаш соҳаларидаги демократик ўзгаришлар тажрибасини инобатга олган ҳолда ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар муаллифлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини назарда тутган ҳолда хуқуқий фанлар бўйича янги авлод дарсларни ва ўқув қўлланмаларини тайёрлайди;

ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларни глобал ахборот-хуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради;

профессор-уқитувчилар таркиби меҳнатини нормалаштиришни фақат ўқув тусдаги тадбирларга асосланган ҳолда мустақил амалга оширади ҳамда педагогик ходимлар томонидан илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни бажаришни рағбатлантиради;

Университет томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар натижаларини ўқув режалари ва таълим дастурларига жорий этиш учун юридик фанларни ўқитиш сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган илмий ва ўқув-услубий материаллар ишлаб чиқади;

Университетда маҳсус юридик фанлар, қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиёти ҳамда ҳуқуқни қуллаш фаолиятининг долзарб масалалари бўйича идоравий тузилмаларнинг раҳбар таркиблари, маъбул ходимлари томонидан маъруза ўқиш (шу жумладан, соатбай ҳақ тўлаш асосида), машғулотлар ўтказишни амалиётга жорий этади;

тизимли асосда педагог ва илмий ходимларни малақасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, таълим жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек, талабаларнинг академик алмашинувини таъминлаш бўйича етакчи хорижий илмий-таълим муассасалари, таҳлилий, тадқиқот марказлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлайди;

ижобий халқаро тажрибани кенгроқ қўллаш, шу жумладан, талабалар ўқув юкламаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар)ни ўтказиш ва жамлаш тизимини қўллайди;

суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргалиқда илмий-тадқиқот ишларини ташкил этади, уларнинг самарадорлигини ошириш ва тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, олий таълим, фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўзаро интеграциясини таъминлайди;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг норма ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг бошқа соҳаларида фойдаланиш учун юридик фан ва амалиётнинг долзарб муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар ва тавсиялар тайёрлайди;

ўқитишнинг кредит-модуль тизимини ва талабалар билимини баҳолаш усулларини такомиллаштириб, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллайди ҳамда ўқув базасини такомиллаштириб боради;

клиник юридик таълимни ривожлантириш йўли билан ўқув жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқани таъминлайди;

ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни, қўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-уқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини доимий амалга ошириб боради;

ахборот ҳуқуқий технологиялар ва тизимларни (Legal Tech) ишлаб чиққан ҳолда давлат ва ҳуқуқ соҳасида илмий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиб боради;

хорижий ҳамкорлар билан биргаликда юридик кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурларини (double degree) мустақил амалга оширади, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қиласди;

фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаларини олиш учун диссертация ишларини замонавий талаблар, ҳуқуқий фан ва юридик амалиётнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

ўз олдида турган вазифаларни бажариш мақсадида замонавий ўқув ва моддий-техник базани яратади, ўқув, илмий-тадқиқот бўлинмаларни, кафедраларни ўқитишининг замонавий техник воситалари, ахборот-коммуникация тизимлари ва дастурий мажмуалари билан таъминлайди;

миллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахслар иштирокида илмий тадбирларни ташкил этади;

Ўзбекистоннинг илмий ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришга қодир мутахассисларни тайёрлашда юксак истеъодод соҳибларига билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз қобилияtlарини намоён этиш ҳамда ривожлантириш, ўзларидағи ноёб истеъодони рўёбга чиқариш учун имкониятлар яратади;

талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштириш, тарбиялашнинг турли шакл, усул ва воситалари орқали талабаларни жамиятнинг тўлақонли аъзоси, ватанпарвар, вижданан ва ҳалол меҳнат қилувчи, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

талабалар онги ва қалбида маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасини шакллантириш, талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига кўмаклашиш, ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик ва фидоийлик туйғуларини, уларнинг дунёқарашини шакллантириш чораларини кўради;

маънавий қадриятлар ва миллий маданиятни кенг тарғиб қилиш, китобхонларни маънавий ривожланишини таъминлаш, уларни миллий ва жаҳон маданияти дурдоналарига қизиқишини ошириш ҳамда дунёқарашини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни амалга оширади;

Университет ҳалқаро рейтинги ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чет эл фуқаролари учун юридик таълим олиш имкониятини кенгайтиради;

Ахборот-ресурс марказини ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқғисодий мазмундаги босма ва китоб маҳсулотлари ҳамда ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар, жумладан хорижий адабиётлар фонди, ўқитишининг техник воситалари, шунингдек, глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларини мунтазам янгилаб боришни таъминлайди;

пуллик асосда тайёрлов ва бошқа ўқув курсларини, ёзги ва қишки мактабларни, шу жумладан, чет эл фуқаролари учун, ташкил этади;

матбаа, ноширлик ва хужжатлардан нусха кўчириш фаолиятини амалга оширади;

оммавий ахборот воситаларини ташкил этади;

Университет ҳузуридаги академик лицей ва Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази фаолиятига раҳбарлик қиласди, юридик техникумларда таълим жараёнини ташкил этишини белгиланган тартибда мувофиқлаштиради, Университет Ихтисослаштирилган филиалининг ўқув-услубий, илмий ишлар ва инновациялар, ўқув-тарбиявий ва халқаро алоқалар бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қиласди.

11. Университет ўзини ўзи молиялаштириш тизимиға ўтган олий таълим муассасаларига берилган хуқуқлар билан бир қаторда қуидагиларни ҳам мустақил равишда амалга оширади:

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда Университет қошидаги академик лицейнинг ўқув-услубий жараёнини мувофиқлаштириш, унинг тузилмасини, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, қабул параметрлари ва таълим йўналишларини белгилаш;

юридик техникумлар ва Университет қошидаги академик лицей педагог ходимларининг меҳнатини меъёrlаштириш;

хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишувлар асосида қўшма таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда Университет, юридик техникумлар ва Университет қошидаги академик лицейда қўшма факультетлар ташкил этиш;

ўқиши учун тўлов миқдорини ўрнатган ҳолда Университет бакалавриат ва магистратурасига табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул параметрларини белгилаш;

бакалавриат ва магистратурага қабул қилишда тест синовлари фанлари мажмуасини, шунингдек, ўқиши муддатлари ва талабалар томонидан ўқув машғулотларига қатнаш тартибини белгилаш;

Университет ва Университет қошидаги академик лицейда номутахассислик фанларни ўқитиш ва факультатив машғулотлар ўтказишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги барча турдаги, шу жумладан Университет ва Университет қошидаги академик лицейнинг бино ва иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича келишувларни тузиш ва амалга ошириш;

Университет ҳузурида мактабгача ва умумтаълим муассасаларини ташкил этиш;

инновация ва илмий фаолиятни тижоратлаштириш ҳамда молиявий ресурсларни, жумладан давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш учун тижорат ва нотижорат ташкилотлар (стартап, жамғарма ва бошқалар) тузиш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда молия йили учун Университет қошидаги академик лицейнинг даромадлар ва харажатлар сметасини, штат жадвалини, бизнес-режасини тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, ходимларига иш ҳақини тўлаш тизими ва тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш, шунингдек, ўзини ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш миқдоридан келиб чиқиб, тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

### **III. Университет фаолиятини ташкил этиш**

12. Университетни бевосита бошқариш Адлия вазирининг тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор йўқлигига унинг вазифасини проректорлардан бири (лавозимига кўра) вақтинча бажаради.

13. Ректор:

Университет фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва Университетга юклangan вазифаларва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

проректорлар ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Университетнинг таркибий бўлинма раҳбарлари ваколатларини, уларнинг таркибий бўлинмалар фаолияти учун жавобгарлигини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, адлия вазирининг буйруқларини амалга оширишни ташкил этади;

Университет таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди, кафедраларни ташкил этади ва тугатади;

Университетнинг барча ходимлари ва талабалари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Университет таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди (юқори турувчи идоралар номенклатурасидаги лавозимлар бундан мустасно);

Университет ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди;

Университетнинг ташкилий ва молиявий фаолияти масалаларини ҳал қиласди;

Университетнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш бўйича белгиланган тартибда қарорлар қабул қиласди;

Университетнинг штат жадваллари ва харажатлар сметасини тасдиқлади;

Университет ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, ўрнак кўрсатган Университет ходимларини увонлар бериш ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида таклифлар киритади;

Университет ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтганлиги муносабати билан берилган ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича чораларни кўради, вазифаларни тақсимлайди ҳамда бошқа қарорларни қабул қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда Университет тузилмасини тасдиқлади, Университет қошидаги академик лицей директорини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишувлар асосида қўшма таълим дастурларини амалга оширади ҳамда Университет, юридик техникумлар ва Университет қошидаги академик лицейда қўшма факультетлар ташкил этади;

Университет ва унинг қошидаги академик лицейда номутахассислик фанларни ўқитиш ва факультатив машғулотлар ўтказишни аутсорсинг шартларида ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда молия йили учун Университет ва унинг қошидаги академик лицейнинг даромадлар ва харажатлар сметасини, штат жадвалини, бизнес-режасини тасдиқлади, зарурат туғилганда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги барча турдаги, шу жумладан Университет ва унинг қошидаги академик лицейнинг бино ва иншоотларини куриш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича келишувларни тузади ва амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Ректор бюджетдан ташқари (тўлов-контракт, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт) маблағлар ҳисобидан:

хорижий мутахассисларни Университет ва унинг таркибий тузилмасига консультант, маъruzachi ва ўқитувчи сифатида жалб этиб, уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

Университет бакалавриат, магистратураси истиқболли битиравчилари ва ходимларининг хорижий таълим ва илмий муассасалари магистратура ва докторантурасида ўқиши қиймати ва у билан боғлиқ харажатлар учун тўловларни, улар томонидан ўқишни тугатгандан сўнг Университетда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини олиш шарти билан амалга ошириш;

Университет ва унинг ҳузуридаги академик лицейнинг иқтидорли талаба ҳамда ўқувчиларига стипендия ва грантлар ажратиш ҳуқуқига эга.

15. Ректорга илмий ва илмий-услубий раҳбарликдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган раҳбарлик лавозимида ўриндошлиқ асосида ишлашга рухсат этилмайди.

16. Ректор Университетнинг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари доирасида Университет ташкилий тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга.

17. Университет фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун ректор (Кенгаш раиси) бошқарадиган Университет кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) ташкил этилади.

Кенгаш Университетининг доимий фаолият юритувчи коллегиал органи ҳисобланиб, Университетнинг ташкилий-бошқарув, ўқув, ўқув-услубий, илмий-инновацион, маънавий-маърифий ва молия-хўжалик фаолиятининг асосий масалалари бўйича коллегиал қарорлар қабул қиласди.

Кенгаш таркиби ректор томонидан тасдиқланади. Кенгаш тўғрисида низом ва унинг регламенти Кенгаш томонидан тасдиқланади.

Кенгаш таркибига проректорлар, факультет деканлари, илмий котиб, кафедра мудирлари, айрим таркибий бўлинмалар раҳбарлари, етакчи профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимлар киради. Кенгаш таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва бошқа манбаатдор вазирлик, ташкилот ва идораларнинг вакиллари, етук мутахассислар киритилиши мумкин.

Кенгаш қарорларининг ижроси проректорлар томонидан таъминланади.

Кенгашнинг асосий ваколатларига қўйидагилар киради:

Университет ва Кенгашнинг иш режасини тасдиқлаш;

бакалавриат ва магистратурага қабул қилишда тест синовлари фанлари мажмуасини, шунингдек, ўқиш муддатлари ва талабалар томонидан ўқув машғулотларига қатнаш тартибини белгилаш;

Университет қабул комиссияси фаолияти ҳисботларини тасдиқлаш;

битирувчиларга нисбатан малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини тасдиқлаш;

бакалавриат, магистратура ва маҳсус дастурлар бўйича якуний давлат аттестацияси синовларининг дастурлари ҳамда баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

Университетда якуний давлат аттестациясини ўтказиш шаклини белгилаш;

ўқиш учун тўлов миқдорини ўрнатган ҳолда Университет бакалавриат ва магистратурасига табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул параметрларини белгилаш;

профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини нормаллаштиришда иш вақтининг ўқув тусдаги тадбирлар соатининг энг кам миқдорини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига ва номли давлат стипендияларига номзод талабаларни тавсия этиш;

талабгорларни катта илмий ходим, доцент ва профессор илмий унвонларига тавсия этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясига тақдимнома киритиш;

таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик институтига қабул натижаларини тасдиқлаш;

диссертация мавзулари базаси, таянч докторантлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари ва илмий маслаҳатчиларини тасдиқлаш;

фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертациясини ўқиши муддати тамом бўлишидан камида 6 ой олдин ҳимоя қилганларга, шунингдек, уларнинг илмий раҳбарлари ва консультантларига мукофот белгилашни тасдиқлаш;

магистрлик диссертацияси ва битириув малакавий иши мавзулари ҳамда давлат аттестация комиссияси ҳисоботларини тасдиқлаш;

чин етим, етим, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни Университет Талабалар турар жойи тўловларидан озод қилиш масаласини кўриб чиқиш;

Университет проректорлари, факультет деканлари, шунингдек, кафедра мудирлари ва бошқа таркибий бўлинма раҳбарларининг ҳисоботларини эшлиши;

юридик техникумларнинг малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурларини, оралиқ ва яқуний назоратнинг шакли ва ўтказиш вақти давомийлиги ҳамда давлат аттестацияси учун умумтаълим фанлари бўйича назорат-баҳолаш кўрсаткичларини тасдиқлаш;

Университет хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиши марказига қабул квоталари, ўқиши учун тўлов контракт суммаси миқдори, малака талаблари, ўқув режалари, дастурлари, битириув ишларини тайёрлаш ва уни ҳимоя қилишга доир талабларни тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда молия йили учун Университет ва Университет қошидаги академик лицейнинг даромадлар ва харажатлар сметасини, штат жадвалини, бизнес-режасини тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, ходимларига иш ҳақини тўлаш тизими ва тартибини белгилаш;

бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш учун Махсус жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, ҳар ойлик устамаларни ўрнатиш мезонларини белгилаш;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда Университет қошидаги академик лицейнинг ўқув-услубий жараёнини мувофиқлаштириш, унинг тузилмасини, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, қабул параметрлари ва таълим йўналишларини белгилаш;

юридик техникумлар ва Университет қошидаги академик лицей педагог ходимларининг меҳнатини меъёрлаштириш;

инновация ва илмий фаолиятни тижоратлаштириш ҳамда молиявий ресурсларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш учун тижорат ва нотижорат ташкилотлар (стартап, жамғарма ва бошқалар) тузиш;

талабалар турага жойи тўловлари миқдорларини белгилаш;

ўқув адабиётларини нашр этишга тавсия этиш;

ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш.

Кенгаш коллегиал муҳокама қилиш талаб этиладиган, Университет фаолиятига тааллуқли бўлган бошқа ҳар қандай масалани ҳам кўриб чиқиш ва унинг юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

18. Университетда фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар фаолияти ташкил этилади.

19. Университетда Васийлик кенгаши ташкил этилади, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Васийлик кенгаши тўғрисида низом Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

Васийлик кенгаши, қонун хужжатларида белгиланган вазифалар билан бир қаторда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларида юридик кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжни чуқур таҳлил қилиш асосида юридик кадрларни тайёрлашга буюртмани самарали шакллантиришни таъминлайди.

20. Васийлик кенгаши Университетга қуйидаги устувор масалаларда ҳар томонлама ривожланишига қўмаклашади:

битирувчиларни ишга жойлашиши бўйича давлат, жамоат ва бизнес тузилмалар билан янада самарали ҳамкорликни амалга ошириш;

олий юридик таълимни ривожланишига қўмаклашувчи янги шакл, дастур ва истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, илмий ишланмалар натижаларини қонунчилик фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали жорий этиш;

ўзаро ҳамкорлик тўғрисида ҳамкорлик келишувларини тузиш амалиётини ривожлантириш ва уларни амалга ошириш;

таълим ва фан соҳасида халқаро ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш;

Университетнинг педагог ва бошқа ходимлари меҳнат шароитлари ва ижтимоий таъминотини яхшилаш;

Университетга молиявий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, унинг фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш учун бюджетдан ташқари маблағлар, хайрия маблағларини жалб қилишга қўмаклашиш;

Университетда хайрия ва битиувчилар ассоциацияси (Alumni Association) маблағлари хисобидан Университет фаолиятини молиялаштиришнинг янги манбаи бўладиган Мақсадли капитал фондини (Endowment Fund) ташкил қилиш;

зарур ҳолларда, олий таълим муассасаси ректорининг асосланган мурожаатига қўра, олий таълим муассасасининг молиявий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида республика тижорат банкларидан кредитлар олиш масалаларини қўриб чиқиш.

#### **IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий ишлар**

21. Университет “юриспруденция” мутахассислиги бўйича қуйидаги таълим турлари асосида ўқитишни амалга оширади:

бакалавриат – таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган (қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда уч йилдан кам бўлмаган) таянч олий таълим босқичи бўлиб, уни тамомлаганларга давлат аттестацияси якунларига қўра “юриспруденция” бакалаври даражаси ҳамда давлат намунасидаги диплом берилади;

магистратура – бакалавриат негизида муайян мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати бир йилдан кам бўлмаган олий таълим босқичи бўлиб, уни тамомлаганларга давлат аттестацияси якунларига қўра ҳуқуқ магистри даражаси ҳамда давлат намунасидаги диплом берилади.

Университет Кенгаши бакалавриат ва магистратурада ўқиш муддатларини ўзгартириши мумкин.

Университетда масофавий, сиртқи ва кечки ўқитиш шакллари ҳам жорий этилиши мумкин.

22. Университетда таълим жараёни ҳуқуқ ва юридик таълимнинг устувор йўналишлари бўйича талабаларнинг фундаментал базавий, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлаш, уларнинг мустақил тайёргарлигини чуқурлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш негизида, бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисларни бўйича давлат таълим стандартлари ҳамда иш берувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, юристда таҳлилий фикрлаш ва касбий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ўқув режасини, дастур ва ўқув-методик материаллар асосида ташкил этилади.

Балакавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисларни, шу жумладан қўшма таълим дастурлари (хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда) битиувчиларига нисбатан малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурлари ўқув жараёнини ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлашни, талабаларда таҳлилий фикрлаш ва касбий кўникмаларни ривожлантиришни инобатга олган ҳолда, иш берувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб мустақил равишда Университет томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

23. Университетда таълим дастурларини ўзлаштириш:

бакалавриат таълим йўналиши бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув режа ва дастурлар талабларини бажарилиши, давлат якуний аттестацияси ёки битиравчилар томонидан битирав малакавий ишини ҳимоя қилиниши;

магистратура мутахассисликлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув режа ва дастурлар талабларини бажарилиши, давлат якуний аттестацияси ҳамда битиравчилар томонидан магистрлик диссертациялари ҳимоя қилиниши билан тугалланади.

24. Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш белгиланган тартибда Университет ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида амалга оширилади.

25. Университетда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш қонун ҳужжатларида белгиланган олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизимига мувофиқ амалга оширилади.

26. Илмий-тадқиқот ва инновацион ишлар фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг давлат илмий-техник дастурлари доирасида танлов асосида ажратиладиган грантлар, хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномалар, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ва улар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

## **V. Университетнинг талабалари, тингловчилари ва изланувчилари**

27. Университетга талабаларни ўқишига қабул қилиш давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Талабаликка қабул қилинган талабаларга Университет ректорининг буйруғига асосан талабалик гувоҳномаси берилади.

29. Талабалар қўйидаги хуқуқларга эга:

Университет ахборот-ресурс маркази, ахборот тизими, ўқув, илмий, тиббий ва бошқа буғинлар хизматидан фойдаланиш;

илмий-тадқиқот ишларининг барча турларида, конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш;

белгиланган тартиб ва микдорда стипендиялар, шунингдек, маҳсус стипендиялар олиш;

етакчи хорижий таълим муассасаларида академик алмашинувда иштирок этиш;

академик таътил олиш.

Талабалар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

30. Талабалар қўйидаги мажбуриятларга эга:

ўқув режа ва дастурлар талабларини белгиланган муддатларда бажариш ҳамда билимларни эгаллаш;

мазкур Устав, Университет ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари, Университет Талабалар турар жойи ички тартиб-қоидаларига риоя этиш;

Университет бинолари ва унинг бошқа мол-мулкини асраб-авайлаш, тўлов-контракт бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажариш.

Талабаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

31. Ўқиш даврида ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятида юқори кўрсаткичларга эга бўлган талабалар Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотлар грантлари ҳисобига ҳамда Университетнинг хорижий ҳамкорлари билан шартномалари асосида етакчи хорижий таълим муассасаларига талабаларнинг ақадемик алмашинуви доирасида ўқишига юборилиши мумкин.

Талабаларнинг ақадемик алмашинувини таъминлаш бўйича етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Университетда хорижий мамлакатларнинг талабалари ҳам ўз ўқишини давом эттириши мумкин.

32. Университетнинг ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва Талабалар турар жойи ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун талабага нисбатан белгиланган тартибда ҳайфсан ёки талабалар сафидан четлатиш интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

33. Университет ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиши маркази қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларига қабул қилинган ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлардан дарс берадиган педагог кадрлар тингловчи ҳисобланади.

34. Университетда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражалари изланувчилари учун ташкил этилган олий ўқув юртидан кейинги таълимда ўқиётган фуқаро таянч докторант ва докторант ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражалари изланувчилари учун ташкил этилган олий ўқув юртидан кейинги таълимда ўқиётган фуқаро мустақил изланувчи ҳисобланади.

Таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларни ўқитиши шакллари ва муддатлари, уларни қабул қилиш ҳамда фаолиятини ташкил этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **VI. Университетнинг педагог ва бошқа ходимлари**

35. Университетда бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи лавозимлар назарда тутилади.

36. Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчи ва ўқитувчи лавозимлари киради.

37. Университет педагог ходимларини ишга қабул қилиш адлия органлари ва муассасалари учун белгиланадиган тартибда ўтказиладиган танлов асосида амалга оширилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура ҳамда бошқа ташкилотларнинг юқори малакали мутахассислари ўриндошлиқ бўйича ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда соатбай иш ҳақи тўлаш шартларида педагогик фаолиятига жалб этилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг етакчи мутахассислари Университетга ўқув ва илмий-методик ишларни олиб бориш учун шартнома асосида, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ҳақ тўлаган ҳолда ҳамда ҳамкорлик шартномалари доирасида жалб этилиши мумкин.

38. Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари Университетнинг ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари, Университет Талабалар турар жойи ички тартиб-қоидалари ва лавозим йўриқномаларида белгиланади.

## **VII. Нодавлат нотижорат ташкилотлари**

39. Университетда талабалар, бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари тузилиши мумкин.

Ушбу ташкилотлар ўз фаолиятини қонун ҳужжатларга мувофиқ олиб борадилар.

## **VIII. Университетнинг халқаро фаолияти**

40. Университет профессор-ўқитувчилари ва ходимларини хорижда малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, таълим жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек, талабаларнинг академик алмашинувини таъминлаш бўйича хорижий илмий-таълим муассасалари, таҳлилий, тадқиқот марказлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширади.

41. Университет тизимли асосда педагогик ва илмий ходимларни малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, таълим жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек, талабаларнинг академик алмашинувини таъминлаш бўйича етакчи хорижий илмий-таълим муассасалари, таҳлилий, тадқиқот марказлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

42. Университет педагог, илмий ва бошқа ходимлар ҳамда талабаларнинг халқаро конференциялар, грантлар, лойиҳалар ва алмашинув дастурларида, шу жумладан, академик алмашинув доирасида иштирок этишини моддий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

43. Педагог, илмий ва бошқа ходимларнинг хорижий стажировкаси малака ошириши, уларнинг турли халқаро таълим ва тадқиқот дастурларида иштирок этиши Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек халқаро ва хорижий ташкилотлар грантлари ҳисобига ҳамда Университетнинг хорижий ҳамкорлари билан шартномалари асосида амалга оширилади.

## **IX. Университетнинг молия-хўжалик фаолияти**

44. Куйидагилар Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

бакалавриат ва магистратура талабаларини тўлов-контракт шакли асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хорижий фуқароларни тўлов-контракт шакли асосида ўқитишдан Университет валюта ҳисоб рақамига тушадиган хорижий валюта маблағлари;

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида ўтказиладиган грант танловлари натижалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар учун ажратиладиган маблағлар;

пуллик курсларни ташкил этиш ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатишдан тушадиган барча маблағлар;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари ва мақсадли бадаллари;

Университет фаолиятида амалга оширилган илмий, ўқув ва бошқа инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, шунингдек Университетнинг мол-мулкини ижарага беришдан, шартнома асосида қонун ҳужжатларида рухсат берилган хизмат кўрсатиш орқали тушган маблағлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

45. Университетда, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси (меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи) билан бир қаторда, бюджетдан ташқари (тўлов контракт) маблағлари ҳисобидан Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш учун Махсус жамғарма (кейинги ўринларда – Махсус жамғарма) уларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 185 фоизидан кам бўлмаган миқдорида ташкил этилади.

Махсус жамғарма маблағлари штатдаги бошқарув, профессор-үқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга белгиланган тартибда ҳар ойлик устамалар белгилашга йўналтирилади.

Махсус жамғарма маблағлари штатдаги бошқарув, профессор-үқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга ҳар ойлик устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турларини ўрнатишга йўналтирилиб, уларнинг миқдори Университет томонидан мустақил белгиланади.

Махсус жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек ҳар ойлик устамаларни ўрнатиш мезонлари Университет томонидан мустақил белгиланади.

Университет ходимларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа моддий рағбатлантириш ва моддий ёрдам чоралари кўрсатилиши мумкин.

46. Университет ўз нашриёт-полиграфия комплексига эга бўлиб, белгиланган тартибда илмий-назарий журналлар ва газеталар чоп этади, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалари, қонунларга шарҳлар ва бошқа адабиётларни нашр этади.

47. Университет илмий, ўқув ва бошқа инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, шунингдек шартнома асосида қонун ҳужжатларида рухсат берилган бошқа хизмат кўрсатиши ва ўзининг уставида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Университет асосий воситалар ва товар-моддий бойликларни сотиш, пуллик курсларни ташкил этиш ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш, Университетнинг мол-мулкини ижарага беришдан тушадиган барча маблағларни мустақил равишда тасарруф қиласди.

48. Университет ўз фаолияти натижаларининг бухгалтерия хисобини белгиланган тартибда амалга оширади, молия ва статистика ҳисоботларини юритади.

## **X. Якуний қоида**

49. Университетни қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

2020 йил “22” июль

126 -ум-сон

### Тошкент давлат юридик университетининг уставини тасдиқлаш тұғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бүйича құшымча чора-тадбирлар тұғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тұғрисидаги низомнинг 12-бандига асосан

#### БУЮРАМАН:

1. Тошкент давлат юридик университетининг устави янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансın.

2. Тошкент давлат юридик университети (Р.Хакимов):

бір ҳафта муддатда Тошкент давлат юридик университетининг уставини белгиланған тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

қайд этиб ўтилған Устав талабларига қатъий риоя этилишини доимий назоратга олсин.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 2 июндаги 152-ум-сон “Тошкент давлат юридик университетининг уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тұғрисида”ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсін.

4. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (Ў. Назаров) ушбу буйруқни вазирликнинг манбаатдор таркибий бўлинмаларига етказсін.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринbosари А. Ташкулов зиммасига юклансін.

Вазир

Тошкент шаҳри

R. Давлетов